

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Энергетика вазири

Ж. Мирзамахмудов



2024 йил “ 22 ” 09

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд  
вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг  
20 - сон баёни**

2024 йил “ 19 ” 01

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов  
комиссияси раиси

**Қатнашганлар:** Вазир ўринбосарлари, Режим ва комплаенс бўйича вазир  
маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги  
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратидаги  
мавжуд вакант лавозимлар учун эълон қилинган танловларнинг суҳбат  
босқичини ўтказиш тўғрисида**

*(Мирзамахмудов, Жуманазаров, Шукуров, Раунов, Файзиев, Мирзамахмудов)*

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб вазирлик марказий аппаратидаги мавжуд Молиявий-иқтисодий таҳлил ва нарх сиёсати бўлими бошлиғи, Нефть-газни қайта ишлаш ва кимё саноатини ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси ва Лойиҳа офиси етакчи мутахассиси вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимларга номзодлар томонидан жами 209 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, мувафакқиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан мувафаккиятли ўтган жами 11 нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг суҳбат босқичи 2024 йил 19 январь куни Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодларнинг жавоблари ўрнатилган тартибда баҳоланди.

Танлов комиссияси аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси қарор қилади:


1. Молиявий-иқтисодий таҳлил ва нарх сиёсати бўлими бошлиғи лавозимига **Пулатов Шухрат Артикович** номзоди, Нефть-газни қайта ишлаш ва кимё саноатини ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига **Бахрамов Неъматжон Икромович** номзоди ва Лойиха офиси етакчи мутахассиси лавозимига эса **Асоров Учқун Алишер ўғли** номзоди маъқуллансин.

2. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) ғолиб бўлган номзодлар билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид хужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.

  
А.Р. Жуманазаров

  
Д.Л. Шукуров

  
А.А. Раупов

  
З.Н. Файзиев

  
Ф.Н. Файзиев

  
Д.И. Исанбеков

  
С.И. Сайдахмедов

  
О.О. Ахунов